



2021 йил 23 декабрь

№ РС-72-21

Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Олий судининг коррупцияга қарши  
курашиб ички назорат гуруҳи фаолияти тўғрисидаги  
низомни тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг коррупцияга қарши  
курашиб ички назорат гуруҳи фаолияти тўғрисидаги низом лойиҳасини  
муҳокама қилиб, “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси  
Қонунининг 28-моддасига асосан, Олий суд Раёсати

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг коррупцияга қарши  
курашиб ички назорат гуруҳи фаолияти тўғрисидаги низом 1-иловага  
мувофиқ тасдиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг айrim  
қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсан.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон  
Республикаси Олий суди аппарати раҳбари Ж.Юлдашев зиммасига  
юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди раиси**

К.Камилов

Олий суд Раёсатининг  
2021 йил 23 декабрдаги  
РС-72-21-сонли қарорига  
1-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Олий судининг коррупцияга қарши курашиш ички назорат гуруҳи фаолияти тўғрисида НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Олий судининг коррупцияга қарши курашиш ички назорат гуруҳи (бундан буён матнда Ички назорат гуруҳи деб юритилади) фаолиятини тартибга солади.

2. Ички назорат гуруҳи суд ходимлари ўз фаолиятида коррупцион ҳуқуқбузарликларга муросасиз муносабатда бўлишлари ва уларни содир этишга йўл қўймасликни қўллаб-қувватлаш мақсадида тузилади.

3. Ички назорат гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Олий суди Кадрлар бошқармасининг таркибий гуруҳи ҳисобланади.

4. Ички назорат гуруҳи ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Конуни ва бошқа қонун ҳужжатлари, Олий суд Пленуми ва Раёсати қарорлари, Олий суд раисининг буйруқлари ва фармойишлари ҳамда ушбу Низом асосида амалга оширади.

5. Ички назорат гуруҳи коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳамда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш чораларини кўришга масъул ҳисобланади.

### 2-боб. Ички назорат гуруҳининг таркиби

6. Ички назорат гуруҳи таркибига гуруҳ раҳбари ва катта консультант киради.

7. Ички назорат гуруҳи фаолиятига Олий суднинг Кадрлар бошқармаси бошлиғи раҳбарлик қиласи.

8. Ички назорат гуруҳи раҳбари ва катта консультант белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

### 3-боб. Ички назорат гуруҳининг вазифалари ва фаолият йўналишлари

9. Ички назорат гуруҳининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

тизимда коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни такомиллаштириш;

тизимда коррупцияга қарши курашиш тизими самарали ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш;

суд тизими ходимларининг коррупция кўринишларига йўл қўймаслик борасидаги фаолиятни тизимли таҳлил қилиш, уларнинг содир этилишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш;

суд тизимиға ишга қабул қилиш учун захирага киритилаётган номзодларни инспекцион ўрганиш;

ходимларни лавозимларга тайинлашда ошна-оғайнигарчилик, маҳаллийчилик, таниш-билишчилик ва бошқа суистеъмолчиликларнинг олдини олишга қаратилган зарур чоралар кўриш;

ходимлар масъулиятини янада ошириш, уларнинг ички тартиб қоидалари, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишларини таъминлаш, ходимлар орасида хизмат мавқеини суистеъмол қилиш, коррупция ва бошқа салбий иллатларга йўл қўймаслик, турли ножӯя хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирлар ўтказиб бориш;

ходимлар томонидан меҳнат ёки ижро интизоми бузилганлиги ҳақида маълумотлар ёхуд суд ходими деган номга доғ туширувчи хатти-ҳаракатлар содир этилганлиги юзасидан келиб тушган мурожаатлар, хабарлар ҳамда ташаббус асосида хизмат текширувлари ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди аппарати, қуий судлар, Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ҳамда ҳудудий бўлимлари ходимлари томонидан содир этилган ножӯя хатти-ҳаракатлар юзасидан текширувлар ўтказиш ҳамда натижаси юзасидан билдиригчи қардиш;

қуий судлар, Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ҳамда ҳудудий бўлимларида ўтказилаётган хизмат текширувлари устидан назорат олиб бориш, хизмат текширувлари бўйича хulosаларнинг қонунийлиги ва асосланганлигини ўрганиш, уларнинг тўла ва холисона ўтказилишини таъминлаш;

ўтказилган хизмат текширувлари бўйича марказлашган электрон маълумотлар базасини шакллантириб бориш.

10. Ички назорат гуруҳи ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуидаги функцияларни амалга оширади:

а) суд тизими ходимларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш соҳасида:

суд тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган ички идоравий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;

суд тизимининг коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар, фаолиятга оид норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва ички идоравий ҳужжатларда аниқланган коррупциявий нормаларни бартараф қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиб, раҳбариятга тақдим этади;

Олий суд томонидан қонунчилик ташаббуси асосида суд тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар лойиҳаларини коррупцияга қарши курашиш сиёсатига мослиги, мақбуллиги ва долзарблиги нуқтаи назардан ўрганади;

б) суд тизимида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш соҳасида:

суд тизимида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолайди, уларнинг натижалари бўйича аниқланган хавф-хатарларни камайтириш юзасидан чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқади;

ахборот алоқа каналлари орқали суд тизими ходимлари томонидан коррупциявий хавф-хатарлар ва ҳуқуқбузарликлар ҳақида келиб тушадиган мурожаатларни таҳлил қиласида ва уларни белгиланган тартибда кўриб чиқилишини таъминлайди;

суд тизимида юритиладиган хизмат текширувлари реестри ёки ўтказилган хизмат текширувларини рўйхатга оладиган бошқа тегишли ҳужжатда коррупция фактларига доир хизмат текширувлари бўйича маълумотларнинг тўғри ва тўлиқ акс этиб борилишини назорат қиласида;

давлат харидларини амалга оширишда манфаатлар тўқнашувини таҳлил қилиш ва суд тизими билан шартномавий муносабатларга (меҳнат муносабатлари бундан мустасно) киришган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахсларнинг ишончлилигини текшириш жараёнида иштирок этади;

коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида суд тизимида коррупция фактлари юзасидан ўтказилган хизмат текширувлари натижалари ҳақидаги маълумотларни таҳлил қиласида;

суд тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда улардаги коррупциявий ҳолат ҳақида Олий суд аппарати раҳбарига маълумот киритиб боради;

в) суд тизимида коррупцияга қарши курашиш тизими самарали ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш соҳасида:

суд тизими ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув режаларининг коррупцияга қарши нормаларга оид қисмини ишлаб чиқища иштирок этади;

суд тизими ходимлари ва фуқаролар ўртасида коррупцияга қарши курашиш бўйича тарғибот тадбирларида иштирок этади;

суд тизими ходимлари томонидан коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича ички идоравий ҳужжатларга риоя қилиниши юзасидан статистик таҳлиллар қиласида;

суд тизимидағи коррупциявий хатти-ҳаракатлар бўйича хизмат текширувларини ўтказиш ташаббусини илгари суради ва унда иштирок этади;

суд тизимидағи коррупцияға қарши курашишга масъул тузилма (шахс)лар билан ҳамкорликда коррупцияға қарши курашиш бўйича ишларни ташкил этиш ва ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган конференциялар, учрашувлар, семинарлар, танловлар ва бошқа тадбирларни ташкил этади.

11. Ички назорат гуруҳи қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

#### **4-боб. Ички назорат гурухининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

12. Ички назорат гуруҳи ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди аппарати, қўйи судлар, Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ҳамда ҳудудий бўлимлари фаолиятини текширишда қатнашиш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш;

ходимларнинг хатти-ҳаракатлари ҳақидаги ариза, хабарлар ва бошқа маълумотлар асосида хизмат текширувлари ўтказиш, натижасига кўра Олий суд раҳбариятига тегишли таклифлар киритиш;

аниқланган коррупцион ҳолатлар юзасидан суд ходимларидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар олишга ва бошқа маълумотларни йиғиши;

ходимлар ўртасида ножӯя хатти-ҳаракатлар ва суиистеъмолчиликларнинг олдини олишга қаратилган профилактик сухбатлар ўтказиш;

суд тизими фаолиятини такомиллаштириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, ижобий иш тажрибаларини оммалаштириш, шунингдек ходимларнинг малакасини оширишга қаратилган тадбирлар ўтказиш бўйича таклифлар киритиш;

коррупцияға қарши курашиш билан боғлиқ мажлис, йиғилиш, семинар, брифинг, учрашувларда иштирок этиш.

13. Ички назорат гуруҳи ходимларининг мажбуриятлари:

ўз фаолиятида ушбу Низом ва мансаб йўриқномасига қатъий риоя этиш ва уларни бажариш;

қонунчилик ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш ва ўз ваколат доирасидан четга чиқмаслик;

гуруҳга юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва самарали ижро этиш;

ташкилот тизимида жиноят аломатлари, хусусан коррупция ҳолатлари аниқланганлиги тўғрисида зудлик билан раҳбариятга хабар бериш;

соҳага оид фаолиятни тизимли таҳлил қилиш асосида ходимларнинг хавфсизлиги ва ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, уларни турли таҳдид ва хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш чораларини кўриш;

ходимлар ўртасида суистеъмолчилик ва бошқа ножўя хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

ушбу Низомга мувофиқ, суд ходимлари устидан жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупцион ҳолатлар юзасидан келиб тушган мурожаатларини кўриб чиқиш.

#### **14. Ички назорат гуруҳи ходимлари қуидагилар учун жавобгардир:**

Ички назорат гуруҳига юклатилган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш, шу жумладан, суд тизимида коррупция кўринишларига йўл қўймаслик, ходимларнинг ўз хизмат вазифаларини ҳалоллик, холислик ва садоқат билан бажаришларини таъминлашга қаратилган самарали тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ходимлар томонидан ножўя хатти-ҳаракатлар ва хуқуқбузарликлар содир этилишининг туб сабабларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилишини ташкил этиш;

Ички назорат гуруҳида ишчан соғлом мухитни шакллантириш, хизмат ва ижро интизомини мустаҳкамлаш, ички тартиб қоидаларига риоя этилишини таъминлаш.

#### **5-боб. Ички назорат гуруҳи фаолиятини ташкил этиш**

15. Ички назорат гуруҳи фаолияти ушбу Низом асосида ташкил этилади.

16. Ички назорат гуруҳининг иш режалари Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси томонидан тасдиқланади.

#### **6-боб. Ички назорат гуруҳининг ваколатлари**

17. Ўзбекистон Республикаси Олий суди аппарати, қуий судлар, Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ҳамда ҳудудий бўлимларида текширишлар ўtkазилишини, уларга амалий ёрдам кўrsатилишини ташкиллаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди аппарати, қуий судлар, Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ҳамда ҳудудий бўлимлари ходимларининг хатти-ҳаракатлари ҳақидаги мурожаатлар ёки бошқа маълумотларни кўриб чиқади ҳамда хизмат текширувлари ўtkазилиши муносабати билан ходимлар иш юритувидаги ҳужжатлар билан танишади.

Суд тизимида фаолият юритаётган ходимлар томонидан суд ходими деган номга доғ туширувчи хатти-ҳаракатлар содир этилганлиги юзасидан келиб тушган мурожаатлар, хабарлар ҳамда ташаббус асосида хизмат текширувлари ўtkазади.

Суд тизимида фаолият юритаётган ходимлар ўртасида ножўя хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш тадбирларини ташкиллаштиради, ходимларни рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш бўйича таклифлар киритади.

Суд тизимида фаолият юритаётган ходимлар томонидан содир этилган интизомсизликлар, ножўя хатти-ҳаракатлар бўйича келиб тушган ариза ва шикоятларни ўрганади, таҳлил қиласи, натижаси бўйича таклиф ва хулосалар тайёрлайди.

Коррупцияга қарши курашиш билан боғлиқ ҳуқуқий тарғибот ишларида қатнашади.

Ички назорат гуруҳи фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлайди.

## **7-боб. Якунловчи қоидалар**

18. Ички назорат гуруҳи ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун масъулдир.

19. Ички назорат гуруҳи фаолиятига доир маълумотлар сир сақланади ва ошкор қилинишига йўл қўйилмайди.

20. Ички назорат гуруҳи ходимлари ўз вазифаларини бажаришда суд ходимларининг шаънини ва қадр-қимматини ҳурмат қилишлари, суд ходимлари ва уларнинг оила аъзоларига оид сирни сақлашлари шарт.